

**“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИНГ КЕНГ ТАРҚАЛИШИ  
МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЪСИРИ  
ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

**М. А. Ярмадова,**

**“Ўзбек ва рус тиллари” кафедраси катта ўқитувчиси, ҚарМШИ**

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларида газета, журналларда «оммавий маданият» деган термин пайдо бўлди. Глобаллашув «оммавий маданият»ни ёймоқда. У нафакат ўзбекларнинг балки бутун дунё мамлакатлари аҳолисининг тафаккурига, мусиқасига, дидига, кийинишига, меню, иморат қуриш, ўзаро муомала, оиласига, оилавий муносабатларига, ҳатто орзуларига ҳам чанг солмоқда.

Бернард Розенберг (АҚШ): “Оммавий маданият”нинг асосий сабаби – замонавий техника. На миллий характер, на иқтисодий, на сиёсий тизим бу масалада ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас” дейди (1965й.).

Маънавий ва ахлоқий тубанлик, ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм, миллий-маънавий қадриятларга беписандлик ва уларни кўпоришга қаратилган хатарли ҳолатлар, ахлоқсизликни маданият деб билиш, асл маънавий қадриятларни менсимаслик, ёшларда миллий-маънавий қадриятларга беписандлик билан қараш ҳиссиётини уйғотиш каби маънавий таҳдидларнинг кўринишлари ёшларга ўзининг турли томонлардан салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Жумладан,

- Турли виртуал (компьютер) ўйинлар.
- Айрим чет эл ва хусусий студияларда олинган ўзбек фильмлари
- Тум-тарақай кўшиқлар.
- Чет эл телеканаллари.
- Интернет ва ундаги турли ижтимоий тармоқлар.
- Уяли алоқа телефонлари.
- Сарик матбуот

- Урбанизация жараёни.
- Тантаналар ва тўйлар.
- Ёлфон ахборот ва маълумотлар тарқатувчи радио ва телеканаллар.

Америкалик таниқли адиб Р. Бредбери айтганидек, “оммавий маданият” мактабидан ўтган авлод учун ҳаётнинг маъноси – автомобиль, телевизор, музлатгичга эга бўлиш.

Оммавий маданиятнинг ривожланиши, инсонларни жамиятдаги муҳим сиёсий воқеа ҳодисалардан чалғитиб, компьютер, телевизор ва бошқа кўнгилочар томошаларга боғлаб қўймоқда. Айниқса бугун миллий маънавиятимизга зид булган, “замонавий” ғарбий қадриятлар: эркин муҳаббат, бир жинслилар никоҳининг қонунлаштирилиши, худбинлик, индивидуализм, маънавий қашшоқлик, фарзанд, ота-она, қариндошлик каби бир қатор умуминсоний қадриятларга зид бўлган маънавий таҳдидларнинг кириб келиши хавфи кучаймоқда. “Оммавий маданият” ниқоби остида асл мақсад миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий тил, маънавият бир сўз билан айтганда, миллийликни емиришга қаратилган ғоявий мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа таҳдидларни ўз ичига олган жараён шиддат билан ривожланмоқда.

Миллий қадриятларимизни сақлаб қолиш, кийиниш маданиятига риоя қилиш, катталар ва кичиклар билан муносабатда Шарқона қадриятларга риоя қилиш масалаларига республикамиз таълим тизимидаги мавжуд ижтимоий-гуманитар фанларда ҳам алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, бу масала кенг тарғиб қилинмоқда ва тушунтирилмоқда. Миллатга таҳдид, аввало, миллий маънавиятга таҳдиддан бошланади. Миллий маънавиятга таҳдидни бугунги кунда жамиятимизга хавф солаётган ғоявий мафкуравий хуружлар ниқоби остидаги «оммавий маданиятнинг» салбий таъсирини айтиб ўтиш кифоядир.

Миллатни сақлаб қолиш бугунги кунда, миллий ўзликни англаш жараёнидаги муҳим омилдир.

ОАВ одамлар онгги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. ОАВнинг бугунги

кундаги ривожига ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди. Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек, “ҳозирги пайтда ҳаётимизни электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радиосиз умуман тасаввур этиб бўлмайди. Бугунги кунда улар бир вақтнинг ўзида ҳам ахборот майдони, ҳам ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий минбар, шу билан бирга, инсонга маданий, бадиий-эстетик озиқ берадиган ва ҳордиқ чиқарадиган макон вазифасини бажармоқда”. Бундай имкониятлар телевидениенинг аниқ мақсадларга қаратилган ғоявий тарғиботни амалга оширишнинг муҳим бўғинига айланишига олиб келди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «...аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анаъна ва урф одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожига энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалишидир».

Хуллас, ҳар биримиз ёш авлоднинг мақсади Ўзбекистонни ривожланган давлатга айлантириш орқали юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш эканлигини ҳамда “оммавий маданият” аталмиш иллат ана шу мақсадига ғов бўлаётганини сингдираверишдан чарчамаслигимиз керак. Уларга “оммавий маданият” таклиф этаётган маданиятдан кўра ўзимизнинг миллий маънавиятимиз асосида шаклланган маданиятимиз яхши эканлигини ўргатишимиз, иккаласини солиштириб, оқибатлари нималарга олиб бориши мумкинлигини яққол ҳаётий мисоллар асосида тушунтириб беришимиз лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И. А. Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
2. М. Қуронов. Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий-мафкуравий асослари./ “Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий-мафкуравий асослари” мавзусидаги республика илмий-услубий конференцияси материаллари. – Т.: “Муҳаррир”, 2010. 10-13 б.б.